

«Тасдиқланган»

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш
компанияси” Акциядорлик жамияти Кузатув
кенгаши қарори билан

«03» август 2020 й.

**“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ҚўМИТАСИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент ш. – 2020 й.

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР **Ошибка! Закладка не определена.**
- II. ҚҮМИТАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- III. ҚҮМИТАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- IV. ҚҮМИТАНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАРКИБИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- V. ҚҮМИТАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .. **Ошибка! Закладка не определена.**
- VI. ҚҮМИТА РАИСИ ВАКОЛАТЛАРИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- VII. ҚҮМИТА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ **Ошибка!**
Закладка не определена.
- VIII. ҚҮМИТАНИНГ ИШ ТАРТИБОТИ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- IX. ҚҮМИТА АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ **Ошибка! Закладка не определена.**
- X. ҚҮМИТАНИНГ ҲИСОБДОРЛИГИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР **Ошибка! Закладка не определена.**

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг рискларни бошқариш қўмитаси (бундан буён матнда – “Кўмита”) тўғрисида Низом (бундан буён матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 10 февралдаги “Ипотека қайта молиялаш ташкилотлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги 3219-сонли Низомига, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик жамияти (бундан буён матнда – “Жамият”) Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига, шунингдек Базел Кўмитаси томонидан тавсия этилган корпоратив бошқарув ва ички назорат тизимини шакллантириш бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Кўмитанинг ҳукуқий мақомини, иш тартибини, унинг мақсадлари, вазифаларини, ҳукуқлари ва мажбуриятларини, Кузатув кенгashi, Ижроия органи, рискларни бошқариш бўлими билан ўзаро муносабатлари тартибини ва Кузатув кенгashi олдида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим қилиш тартибини белгилайди.

1.3. Кўмита Кузатув кенгашининг қарорига асосан ташкил этилади ва Кузатув кенгashi томонидан Жамият рискларни бошқариш тизимини назорат қилиш бўйича ўз функциялари самарали бажарилишини таъминлайдиган консультатив-маслаҳат органи ҳисобланади. Кўмитанинг қарорлари Кузатув кенгashi учун тавсия қилувчи хусусиятга эга. Кўмитанинг Кузатув кенгashiga ҳисобот беради.

II. ҚЎМИТАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

2.1. Кўмитанинг асосий мақсади Кузатув кенгashiga Жамиятда рискларни бошқариш замонавий тизими ва унинг самарали ишлашини ташкиллаштириш бўйича қўмаклашишдан иборат.

III. ҚЎМИТАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

3.1. Кўмитанинг Жамият рискларни бошқариш тизимини назорат қиласи ҳамда рискларни бошқариш ва ички назорат тизимларидан рискларни бошқариш учун Кузатув кенгashi томонидан белгиланган риск-аппетит, рискларни бошқариш сиёсати ва стратегиясига мувофиқ фойдаланилаётганлигига ишончни таъминлайди. Кўмитанинг Ижроия органи томонидан Жамиятга ўз стратегик мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, бошқариш, рискларга доир ҳисоботларни тақдим қилиш жараёнлари ва режалари жорий қилинишини таъминлайди. Кўмитанинг Жамият капитал ва ликвидликни унинг фаолиятига хос рискларга ва регуляторнинг норматив талабларига мувофиқ тегишли даражада таъминлаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

3.2. Кўмитанинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

3.2.1. Кузатув кенгашининг ваколатларига кирадиган рискларни бошқариш

стратегиялари, риск-аппетит ва Жамият капиталининг етарлилиги масалалари бўйича тавсиялар тайёrlаш ва уларни Кузатув кенгашига тақдим қилиш;

3.2.2. рискларни бошқариш ва риск-аппетит стратегиялари ишлаб чиқилишини назорат қилиш ва олдиндан кўриб чиқиш, унинг амалга оширилишини кузатиб бориш;

3.2.3. рискларни бошқариш асосий йўналишларини, сиёsatлари ва коидаларини олдиндан кўриб чиқиш;

3.2.4. рискларни бошқариш тизимининг самарали ишлаши мониторингини амалга ошириш;

3.2.5. рискларни бошқариш самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

3.3. Кўмитанинг функциялари қуидагилардан иборат:

3.3.1. Жамият Рискларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш, Ижроия органи билан Жамият масалаларини ва ушбу рискларни камайтириш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирларни мухокама қилиш;

3.3.2. регулятор талабларига асосан, Кузатув кенгашига рискларни бошқариш стратегиялари, риск-аппетит ва Жамиятнинг жоиз оғишли/ ички лимитлари даражасини белгилаш юзасидан тавсияларни тақдим қилиш;

3.3.3. рискларни бошқариш тизимида таъсир этадиган иқтисодиёт соҳасида, молия соҳасида ривожланиш ва Марказий банк талаблари янгиланиши мониторингини амалга ошириш. Жорий макроиқтисодий вазият ҳисобга олинган ҳолда келгуси рискларни бошқариш стратегияларига доир Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тавсияларни тақдим қилиш;

3.3.4. рискларни бошқариш самарадорлигини қайта кўриб чиқиш ва тузатиш киритувчи ҳаракатлар ижросини назорат қилиш, Ижроия органи, Кредит қўмитаси, Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси, рискларни бошқариш бўлинмаси (бундан буён матнда – “РББ”), Ички аудит хизмати ва ташки аудитор томонидан кўриб чиқиладиган рискларни бошқаришга тегишли аҳамиятли масалаларни назорат қилиш;

3.3.5. Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият риск-профилининг риск-аппетитга, белгиланган лимитларга, риск анъаналарига мувофиқликни энг камида ҳар ойда РББ томонидан тақдим қилинадиган рискларни бошқариш бўйича ҳисобдорлик ёрдамида назорат қилиш;

3.3.6. рискларни бошқариш сиёsatини энг камида йилига бир марта қайта кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда, ўзгаришларга тегишли тавсиялар киритиш. Бутун Жамият бўйича рискларни бошқариш сиёsatини жорий қилиш мониторингини амалга ошириш;

3.3.7. Жамиятнинг жорий рисклар даражаси, Кредит портфели, рисклар концентрацияси ва рискларни бошқаришга тегишли аҳамиятли масалалар доимий назоратини ва мониторингини амалга ошириш;

3.3.8. Жамиятда сценарийлар, стресс-тестдан ўtkазиш ва скоринг карталари/ скоринг моделларини тузишни таҳлил қилиш методологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга тегишли юқори даражали назоратни ва қайта алоқа тақдим қилинишини таъминлаш;

3.3.9. Жамият рискларни бошқариш сиёsatининг Марказий банк талабларига ёки рискларни бошқаришнинг бирон-бир бошқа ташки талабларига, Базел энг яхши амалиётларига мувофиқлигини назорат қилиш;

3.3.10. Ижроия органи рискларни бошқариш қўмитасининг Низомини тасдиқлаш;

3.3.11. Жамият рискларни бошқариш тизими, воситалари ва сиёsatларини ишлаб

чиқиши ва жорий қилиш мониторингини амалга ошириш;

3.3.12. Жамият риск-профили ва рискларни бошқариш фаолияти түғрисидаги йиллик ҳисботни ўрганиш, ушбу ҳисботни юқори даражада Кузатув кенгашига тақдим қилиш;

3.3.13. Йилнинг ҳар чорагида Жамият кўрсаткичлари таҳлили билан РББ ҳисботларини кўриб чиқиш;

3.3.14. Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари билан рискларни бошқариш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3.3.15. РББ фаолиятини ва Жамиятнинг рискларни бошқариш бўйича бошқа бўлинмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш;

3.3.16. Қўмитага юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бошқа функциялар.

IV. ҚЎМИТАНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАРКИБИ

4.1. Қўмитанинг энг камида уч кишидан ташкил топади ва Кузатув кенгаши аъзолари орасидан сайланади. Қўмитанинг таркибига кўпроқ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сайланади, улар имкон даражада Қўмитанинг кўпчилик аъзоларини ташкил этишлари керак. Кузатув кенгаши раиси Қўмитанинг раиси ва аъзолари номзодларини тавсия қиласи, улар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

4.2. Қўмитанинг раиси Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши раисининг тақдимоти асосида Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари орасидан сайланади.

4.3. Қўмитанинг раиси Қўмитанинг аъзолари ўртасидаги функциялар ва вазифаларни тақсимлайди.

4.4. Қўмитанинг котиби функцияларини Корпоратив котиб бажаради.

V. ҚЎМИТАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Қўмитанинг ваколатларини амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

5.1.1. Жамиятнинг мансабдор шахсларидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун керакли ахборот ва ҳужжатларни расмий талаб қилиш ва корпоратив котиб орқали олиш;

5.1.2. зарур ҳолларда, Қўмитанинг ваколатларига киритилган масалалар бўйича маҳсус билимларга эга эксперталар (консультантлар) сифатида учинчи шахсларни жалб қилиш;

5.1.3. Қўмитанинг йиғилишларига Жамиятда рискларни бошқариш ҳолатини батафсил тақдимот қилиш учун РББ бошлигини, шунингдек Ижроия органи аъзоларини, Жамият ходимларини, Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари аъзоларини тақлиф қилиш;

5.1.4. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим қилиш;

5.1.5. Кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибига Қўмитанинг ваколатлари доирасидаги масалаларни киритиш, Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

5.1.6. Назорат органлари томонидан ўтказиладиган Жамият фаолияти текширувлари натижалари билан танишиб чиқиш;

5.1.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига мувофиқ бошқа ҳукуклар.

5.2. Кўмитанинг қўйидаги мажбуриятларга эга:

5.2.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамият Устави, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми ва мазкур Низомга мувофиқ Кўмитанинг га юклатилган вазифаларни амалга ошириш;

5.2.2. Кузатув кенгашига ўз ваколатлари доирасида асосланган тавсияларни тақдим қилиш;

5.2.3. ўз фаолиятини Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларида амалга ошириш;

5.2.4. энг камида йилига бир марта Кузатув кенгаши олдида ўз фаолият натижалари тўғрисида ва йилнинг ҳар чорагида Жамият Рискларини бошқариш самарадорлигини ва ушбу рискларни камайтириш бўйича қўлланилаётган чоратадбирларни баҳолаш тўғрисида ҳисобот бериш.

VI. ҚЎМИТА РАИСИ ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Кўмитанинг раиси:

6.1.1. Кўмитанинг ишини ташкиллаштиради ва йиғилишларини чақиради, ушбу йиғилишларда раислик қиласди;

6.1.2. Кўмитанинг йиғилишларини ўтказиш шаклини, санаси, вақти, жойини ва кун тартибини белгилайди;

6.1.3. Кўмитанинг йиғилишларида иштирок қилиш учун таклиф этилган шахслар рўйхатини белгилайди;

6.1.4. Кўмитанинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

6.1.5. Кўмитанинг аъзоларига Кўмитанинг йиғилишларида кўриб чиқиш учун масалаларни янада батафсил ўрганиш ва материалларни тайёрлаш зарурати билан боғлиқ топшириқлар беради;

6.1.6. Кўмитанинг иш режаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди, шунингдек унинг ижроси назорат қилинишини амалга оширади;

6.1.7. Жамият Кузатув кенгаши, Кузатув кенгаши ҳузуридаги бошқа қўмиталар ва Ижроия органи билан Кўмитанинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласди;

6.1.8. Кўмитага юклатилган вазифалар бажарилиши билан боғлиқ бошқа функцияларни бажаради.

6.2. Кўмитанинг раиси Кузатув кенгаши олдида Кўмитанинг иш натижалари тўғрисида ҳисобот беради. Кўмитанинг раиси Жамият Рискларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва ушбу рискларни камайтириш бўйича қўлланилаётган чоратадбирлар тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисоботни имзолайди ва уни Кузатув кенгашига тақдим қиласди.

VII. ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Кўмитанинг аъзолари қўйидагиларга ҳақли:

7.1.1. Жамият фаолияти бўйича тўлиқ ва шубҳасиз тўғри ахборот олиш;

7.1.2. Кўмитанинг ваколатига тегишли масалаларни Кўмитанинг

йиғилишларида кўриб чиқиши бўйича таклифлар киритиш;

7.2. Кўмитанинг аъзолари қўйидаги мажбуриятларга эга:

7.2.1. Кўмитанинг йиғилишларида қатнашиш ва Кўмитанинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш;

7.2.2. Кўмитанинг йиғилиши кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқиш;

7.2.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тижорат сирига риоя қилиш.

7.3. Кўмитанинг аъзолари Кўмитанинг ва Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини Кўмитанинг қарорларини қабул қилишда юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилишлари шарт.

7.4. Кўмита аъзоси муҳокама қилинадиган масала бўйича шахсий манфаатдорлиги тўғрисида КЎМИТАНИНГ ни дарҳол маълум қилиши шарт.

VIII. ҚЎМИТАНИНГ ИШ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Кўмитанинг йиғилиши энг камида йилнинг ҳар чорагида бир марта (қатнаб ёки электрон коммуникация воситаларидан фойдаланиш (видео конференция) орқали) ўтказилади, бошқа ҳолатларда, зарур ҳолларда, Кўмитанинг раиси ёки аъзолари, РББ бошлиғи, Кузатув кенгashi ва Ижроия органи ташаббусига асосан (қатнаб ёки сиртқи) ўтказилиши мумкин.

8.2. Кўмитанинг котиби қўйидаги вазифаларни бажаради:

8.2.1. Кўмитага тушган хужжатлар рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади ва маҳсус дафтарда ҳисобини юритади;

8.2.2. тушган хужжатларни ўз вақтида (эртанги кундан кечиктирилмай) танишиб чиқиши учун киритади, Кўмитанинг аъзоларининг дастлабки тавсияларини умумлаштиради, аниқлик киритади ва Кўмитанинг раисига хужжатларнинг Кўмитада кўриб чиқиши учун тайёрлик даражаси ҳақида (шу жумладан, электрон почта орқали) маълум қиласди;

8.2.3. Кўмита томонидан кўриб чиқиши учун киритиладиган Кўмитанинг йиғилиши баённомаси лойиҳаси ишлаб чиқилишини ва хужжатлар тўпланишини таъминлайди.

8.3. Кўмита котиби бўлмаган ҳолатда, унинг вазифалари вақтинча Жамиятнинг бошқа ходимига юклатилади.

8.4. Кўмитанинг котиби Кўмитанинг йиғилишларида овоз бериш хукуқисиз иштирок қиласди.

8.5. Кўмитанинг аъзолари томонидан йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича қарор қабул қилиниши, одатда, Кўмитанинг йиғилишига бевосита қатнаб иштирок қилиш орқали амалга оширилади. Зарур ҳолларда, Кўмитанинг йиғилиши кун тартиби масаласи бўйича қарор қабул қилиниши сўровнома орқали (сиртқи) амалга оширилиши мумкин.

8.6. Кўмитанинг аъзоларига йилнинг ҳар чорагида электрон почта бўйича РББ ойлик ҳисботлари юборилади. Зарур ҳолларда, Кўмитанинг навбатдан ташқари йиғилиши сиртқи шаклда ўтказилиши мумкин, бунда Кўмитанинг барча ёки айрим

аъзолари йиғилишда электрон коммуникация воситаларидан фойдаланилган ҳолда масофавий иштирок қиладилар.

8.7. Қўмитанинг йиғилишига Жамият таркибий бўлинмаларидан мансабдор шахслар ва мутахассислар маъruzalар ва изоҳлар бериш учун таклиф қилиниши мумкин, улар Қўмитанинг йиғилишининг кун тартиби масалалари бўйича улар учун олдиндан белгиланган масалаларга мувофиқ сўзга чиқишлиари ва Қўмитанинг аъзолари илтимосига кўра, муҳокама қилинадиган масалалар бўйича изоҳлар беришлари мумкин. Бундан ташқари, рискларни бошқариш тизимиға тегишли масалалар бўйича маҳсус экспертиза зарур ҳолларда, Қўмитанинг шартнома асосида мустақил экспертларни жалб қилиши мумкин. Таклиф қилинган шахслар ва экспертлар Қўмитанинг йиғилишининг кун тартиби масалалари бўйича овоз беришда иштирок қилишга ҳақли эмас.

8.8. Қўмитанинг қарори қўмитанинг аъзоларининг 3/2 қисми рози бўлган ҳолатда қабул қилинган ҳисобланади. Қарор қабул қилинишига қарши овоз берган Қўмитанинг аъзоси йиғилиш баённомасига алоҳида фикрини киритишга ҳақли.

8.9. Қўмитанинг қарори Қўмитанинг йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённомалар тегишли баённомаларни қайд этиш журналида рўйхатдан ўтказилади. Қўмитанинг йиғилишлари баённомалари хизмат мақсадларида фойдаланиладиган ҳужжатлар ҳисобланади ва корпоратив котибда сақланади. Қўмитанинг йиғилиши баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг 5 иш кунидан кечикирилмай тузилади ва Қўмитанинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённома имзоланганидан сўнг баённома нусхаси корпоратив котиб орқали Кузатув кенгашига тақдим қилинади.

IX. ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар томонидан ўз вазифаларини бажариш даврида белгиланган ва қўшимча ҳақ, шунингдек улар томонидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар компенсациялари тўланиши мумкин.

9.2. Қўшимча ҳақ Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига қўмиталардаги ишлар, қўмиталардаги раислик ва Жамият Кузатув кенгаши раиси ўринбосари вазифаларини бажариш билан боғлиқ ишлар учун тўланади.

9.3. Қўмита раисининг тавсиясига асосан Жамият Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган акциядорлар бюджети доирасида “Жамият Кузатув кенгаши фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги Низомга асосан йил учун иш натижалари бўйича Қўмита аъзоларини мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

X. ҚЎМИТАНИНГ ҲИСОБДОРЛИГИ

10.1. Қўмитанинг Жамиятдаги молиявий ҳолатга ёки ишлар ҳолатига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган масалаларда Жамият Кузатув кенгашининг тегишли хабардорлик даражасини таъминлаши керак. Қўмитанинг Жамият Кузатув кенгашига йилнинг ҳар чорагида Жамият рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва ушбу рискларни камайтириш бўйича кўлланилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хисбот тақдим қиласи.

10.2. Қўмитанинг йилнинг ҳар чорагидаги хисботи қўйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

10.2.1. Қўмитага муҳокама қилиш учун киритилган масалалар ва тасдиқланган ишлар режасининг бажарилиши;

10.2.2. молиявий коэффициентлар кўрсаткичлари ва рискларни қабул қилиш даражаси.

10.3. Кўмита Кузатув кенгашига Қўмитанинг фаолият натижалари тўғрисида Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача 45 кундан кечиктирилмаган муддатда йиллик ҳисботни тақдим қиласи.

10.4. Кўмитанинг йиллик ҳисботи Қўмитанинг фаолият давридаги ахборотни ифодалайди ва қўйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

10.4.1. йиғилишлар сони ва кўриб чиқилган масалалар рўйхати;

10.4.2. Кузатув кенгаши топшириқлари бажарилиши тўғрисидаги ахборот;

10.4.3. Қўмитанинг иш режаси ижроси тўғрисидаги ахборот.

10.5. Кузатув кенгаши олдида Қўмитанинг йилнинг ҳар чорагидаги ҳисботлари ва Йиллик ҳисботлари Кўмита йиғилишларида муҳокама қилинади ва Кўмита йиғилишлари баённомаси билан расмийлаштирилади.

10.6. Кузатув кенгаши олдида Қўмита ҳисботлари Қўмитанинг раиси ва котиби томонидан имзоланиши керак.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур Низом Кузатув кенгаши йиғилишида тасдиқланади ва у тасдиқланган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ҳамда у бекор қилингунгача (янги Низом қабул қилингунгача) амал қиласи.